



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ



CEU
Confederation of Employees of Uzbekistan

МАЖБУРИЙ МЕХНАТДАН ОГОҲ БЎЛИНГ !



УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Иш берувчи ҳамда ходимлар учун

Тошкент 2020

МУНДАРИЖА

Муқаддима	4
Мажбурий меҳнат нима?	5
Мажбурий меҳнатнинг турлари.....	6
Мажбурий меҳнатни фарқлаш	7
Болалар меҳнати нима?.....	8
Болаларнинг юк кўтариш нормалари.....	9
Қайси ҳолатларда болалар меҳнати тақиқланади?	10
Мажбурий меҳнат бўйича ҳалқаро қонунчилик ҳужжатлари	11
Мажбурий меҳнат бўйича миллий қонунчилик ҳужжатлари.....	12
Мажбурий меҳнат бўйича таъсир чораси қўлловчи органлар.....	13
Мажбурий меҳнат ҳолатлари бўйича мурожаат этиш тартиби.....	14
Мажбурий меҳнат қурбонининг амалга ошириши зарур бўлган ҳаракатлари	15
Мажбурий меҳнат бўйича жавобгарлик	16
Мажбурий меҳнатни олдини олиш	17
Услубий қўлланма ҳақида	18

МУҚАДДИМА

Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан берилган расмий маълумотларга кўра, 2018 йилда дунё бўйлаб 20,9 миллион одам мажбурий меҳнатнинг қурбонига айланган. Шундан, 18,7 миллион одам (яъни 90%) хусусий иқтисодий секторда мажбурий меҳнатга жалб қилинган. Мажбурий меҳнатга жалб қилинганларнинг 11,4 миллиони аёллар бўлса, 9,5 миллионини эркеклар ташкил этган.

Мажбурий меҳнатга барҳам бериш мақсадида Халқаро меҳнат ташкилотининг 1930 йилда қабул қилинган “Мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвенциясининг 2014 йилда тасдиқланган қўшимча баённомаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2019 йил 25 июнда ратификация қилинди. Баённоманинг 2-моддасида мажбурий меҳнатни бартараф этиш мақсадида аъзо давлатлар томонидан бажарилиши лозим бўлган энг муҳим 2 та чора-тадбир белгиланган бўлиб, булар:

- *заиф ҳамда ҳимояга муҳтож аҳоли қисмини мажбурий меҳнат қурбонларига айланишини олдини олиш мақсадида тушунчалар бериш;*
- *иш берувчиларни мажбурий меҳнат иштирокчилари бўлмаслигини олдини олишдан иборат.*

Мазкур услубий қўлланма иш берувчилар, ходимлар ҳамда фуқароларнинг мажбурий меҳнат ҳолатлари иштирокчиларига айланиб қолмасликларини олдини олиш ҳамда уларга мажбурий меҳнат тўғрисида асосий тушунчаларни бериш **мақсадида** ишлаб чиқилган.

Услубий қўлланмада мажбурий меҳнатнинг *нима эканлиги, турлари, мажбурий меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, ушбу соҳадаги ваколатли давлат органлари, мажбурий меҳнат ҳолатлари бўйича мурожаат этиш тартиби, мажбурий меҳнатга йўл қўйганлик учун жавобгарлик* ҳамда уни *олдини олиш чоралари* амалий мисоллар асосида тушунтириб берилган.



МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ НИМА ?

Мажбурий меҳнат - иш берувчи ёки фуқаро томонидан бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали, шунингдек, меҳнат интизомини сақлаш мақсадида фуқаронинг ихтиёрига ҳилоф равишда мажбурий равишда иш ёки хизмат бажартириш ҳисобланади.

Демак, мажбурий меҳнатнинг **асосий ташкил этувчилари (элементлари):**

**иш берувчи
ёки фуқаро
томонидан**



**жазони қўллаш
билан таҳдид
қилиш орқали**

**фуқаронинг
ихтиёрига
ҳилоф равишда**



**иш ёки
хизмат
бажартириш**

Мажбурий меҳнатнинг **субъекти** – **иш берувчи, давлат органи вакили** ёки **фуқаро** бўлиши мумкин.

Битта мажбурий меҳнат ҳолати бўйича - **бир нечта** фуқаро ёки мансабдор шахс **бевосита** ёки **билвосита** мажбурий меҳнатни **амалга оширувчиси** бўлиши мумкин.

Битта мажбурий меҳнат ҳолати бўйича - **бир нечта** фуқаро мажбурий меҳнатнинг **жабрланувчиси** бўлиши мумкин.

Бирон-бир жазони қўллаш билан **таҳдид қилиш турлари қуйидагилар:** **жабрланувчини** алдаш, ҳаракатини чеклаш, ажратиш қўйиш (яккалаб қўйиш), жисмоний ёки жинсий зўравонлик ўтказиш, қўрқитиш ёки таҳдид қилиш, шахсига оид ҳужжатларини олиб қўйиш, иш ҳақини камайтириш (ёки ушлаб қолиш), иш шароитларини ёмонлаштириш, ҳуқуқ ва имтиёзларини йўқотиш, иш вақтидан ташқари ортиқча ишлатиш бўлиши мумкин.

Мажбурий меҳнатнинг жабрланувчиси ўз ихтиёрига ҳилоф равишда ўзининг **хизмат вазифасига кирмайдиган** ёки **ҳақ тўланмайдиган** иш ёки вазифаларни бажаради.

Қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, **исталган иш** ёки **хизматни бажаришга мажбурлаш** мажбурий меҳнат деб баҳоланади.

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТНИНГ ТУРЛАРИ



МАЖБУРИЙ МЕҲНАТНИНГ КЕНГ ТАРҚАЛГАН ТУРЛАРИ:



**пахта териш ёки
бошқа қишлоқ
хўжалиги ишларига
жалб этиш**



**ободонлаштириш
ишларига жалб
қилиш**



**қурилиш,
таъмирлаш
ишларига жалб
қилиш**



**навбатчиликка
жалб этиш**

Меҳнат
Кодексининг
177-моддаси
2-қисми

Иш берувчи ходимдан унинг меҳнат вазифалари доирасига кирмайдиган ишларни бажаришни, қонунга ҳилоф ёки ходим ва бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф туғдирувчи, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар қилишни талаб этишга ҳақли эмас.



Кўпгина ташкилотларда ходимлар ўзларининг хизмат мажбуриятларига кирмайдиган **навбатчиликка** жалб қилинадилар.



Мисол сифатида, умумҳалқ дам олиш куни деб эълон қилинган кунлари навбатчилик жадваллари шакллантирилади.



Ушбу жадваллар асосида ходимлар иш вақтидан ташқари пайтда ўзларининг хизмат мажбуриятларига кирмайдиган вазифаларни бажариб, ташкилотнинг худудига кўз қулоқ бўлиб турадилар.

Мажбурий меҳнатга **амалий мисоллар**:



Туман, шаҳар ҳокими томонидан фуқароларни ёки маҳалла раиси томонидан маҳалла фуқароларини ижтимоий нафақани тўхтатиш ёки маҳалладан яқкалаб қўйиш билан таҳдид қилиниши мумкин. Шунингдек, назорат қилувчи органлар (прокуратура, солиқ ва бошқалар) тадбиркорлик субъектларига жазо қўллаш билан таҳдид қилиши мумкин.



МАЖБУРИЙ МЕХНАТНИ ФАРҚЛАШ

ҚУЙИДАГИ ҲОЛАТЛАР МАЖБУРИЙ МЕХНАТ ҲИСОБЛАНМАЙДИ:



ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар бўйича (ҳарбийларга);



фавқулудда ҳолат юз берган шароитларда;



суднинг қонуний қучга кирган ҳукмига биноан;



қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар (Мехнат кодекси 4-моддаси)



Умумхалқ ҳашари қуйидаги тартибда ўтказилганида мажбурий меҳнат ҳисобланмайди:

- ✚ фақат ихтиёрий тарзда;
- ✚ Президент ёки Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳужжати бўлганда;
- ✚ фуқаро ишлайдиган ташкилот ҳудудида;
- ✚ меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик нормаларига риоя қилган ҳолда;
- ✚ ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, иш ўринларини тартибга келтириш мақсадида; (Вазирлар Маҳкамасининг 10.05.2018 йилдаги қарори 349-сон)



Қуйидаги ҳудудларда ихтиёрий равишда ҳам ҳашарлар ўтказиш тақиқланади!

- ✗ автомобиль йўлларида
- ✗ қурилиш майдонларида
- ✗ ҳаракатланиш тизим бўлган кўчаларда
- ✗ бино ва иншоотлар томларида
- ✗ сув объектларида
- ✗ хавфли ишлаб чиқариш объектларида
- ✗ қирғоқбўйи ҳудудлар ва зоналарда
- ✗ инсонларнинг ҳаётига ва соғлиғига хавф туғилиши мумкин бўлган жойларда (ВМК 349-сон)



БОЛАЛАР МЕҲНАТИ НИМА ?



Болалар меҳнати - болаларни болалигидан, инсоний кадр-қимматидан, интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш имкониятидан маҳрум қилувчи ҳамда жисмоний ва ақлий ривожланишига зарар етказувчи ишлардир.

Мактабдан кейин ёки таътил даврида чўнтак пули ишлаш мақсадида боланинг уй, оилавий ҳамда қишлоқ хўжалиги ишларида ота-онасига ёрдам бериши бола меҳнати ҳисобланмайди.

Чунки, буларнинг барчаси боланинг ривожланишига ва оиланинг фаровонлигига, боланинг келажақда жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиши учун талаб қилинадиган кўникма ва тажрибага эга бўлишига ёрдам беради, болаларнинг саломатлиги ва ривожланишига таъсир қилмайди ҳамда таълим олишига тўсқинлик қилмайди.

Болалар меҳнати деб қўйидаги:



- болалар учун **руҳий, жисмоний, ижтимоий** ёки **маънавий** жиҳатдан хавфли ёки зарарли;



- болалар **мактабда ўқиш имкониятидан маҳрум қилувчи** (мактабга боролмайди, мактаб таълимини оғир ва узоқ муддатли меҳнат билан бирлаштиришга мажбур бўлади) иш ва фаолият турлари тушунилади.



Болалар меҳнатидан фойдаланиш - қисқа муддатли иқтисодий фойда олиб келиши мумкин бўлсада, натижаси миллатнинг ривожланишидаги узоқ муддатли йўқотишларига сабаб бўлади.

Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан болалар меҳнатига чек қўйиш мақсадида қўйидаги халқаро конвенциялар қабул қилинган ҳамда 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган:



«**Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисида**»ги 1999 йилги 182-Конвенцияси (2008 йил 8 апрелда ратификация қилинган)



«**Энг кичик ёш тўғрисида**»ги 1973 йилги 138-Конвенцияси (2008 йил 4 апрелда ратификация қилинган).

БОЛАЛАРНИНГ ЮК ҚЎТАРИШ НОРМАЛАРИ



16 ёшгача бўлган
вояга етмаганлар

16 ёшдан 18 ёшгача бўлган
шахслар



4,1 кг

Бутун иш вақти юкларни қўлда
қўтариш ва ташиш билан боғлиқ
бўлганда

Иш вақтининг 3/1 қисми юкларни
қўлда қўтариш ва ташиш билан боғлиқ
бўлганда

Аравача ва
вагонетка
ёрдамида юк
ташишга
рухсат этилмайди

Иш вақтининг 3/1
қисми юкларни
қўлда қўтариш ва
ташиш билан
боғлиқ бўлганда



13 кг
(қўлда)



7 кг
(қўлда)



39 кг
(1 ғилдиракли
аравачада)



ўғил болалар учун
6,5 кг



47 кг
(2 ғилдиракли
аравачада)



қиз болалар учун
3,5 кг



67 кг
(3 ва 4
ғилдиракли
аравачада)



52 кг
(3 ва 4
ғилдиракли
аравачада)



Бутун иш вақти юкларни
қўлда қўтариш ва ташиш
билан боғлиқ бўлганда



405 кг
(вагонеткада)



224 кг
(вагонеткада)



ўғил ва қизлар
учун 2 кг



Қизларнинг 1 ва 2
ғилдиракли аравачада юк
ташишларига
рухсат этилмайди



Аравача ва
вагонетка ёрдамида
юк ташишларига
рухсат этилмайди

“18 ёшга тўлмаган шахслар қўтаришлари ва ташишлари
мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини белгилаш
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Адлия вазирлигидан
12.05.2009 йилда 1954-сон билан рўйхатдан ўтган қўшма қарор

ҚАЙСИ ҲОЛАТЛАРДА БОЛАЛАР МЕҲНАТИ ТАҚИҚЛАНАДИ ?

Қуйидаги ҳолатларда вояга етмаганларнинг меҳнати тақиқланади:

- ❌ Ер ости, сув ости, хавfli баландликда ёки ёпиқ муҳитда бажариш;
- ❌ Хавfli механизмлар, асбоб ва ускуналар билан боғлиқ бўлган;
- ❌ Хавfli буюмлар ёки жараёнлар, ҳарорат, шовкин ёки тўлқинланиш даражасининг юқори таъсирида вояга етмаганларнинг соғлиғига зарар етказишга олиб келадиган зарарли шароитлардаги;
- ❌ Оғир меҳнат шароитларида бажариладиган (иш вақтининг давомийлиги узоқ бўлган, тунги ишлар ва бошқалар билан боғлиқ бўлган);
- ❌ Ўзининг хусусияти билан бундай тоифадаги ходимларнинг ахлоқ-одобига зарар етказадиган;
- ❌ Белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтариши ва ташиш билан боғлиқ бўлган;
- ❌ Тунги, иш вақтидан ташқари ва дам олиш кунларидаги ишларда фойдаланишга йўл қўйилмайди.



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2009 йил 29 июлда 1990-сон билан рўйхатдан ўтган қўшма қарорда 18 ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланадиган **ноқулай меҳнат шароитларидаги ишлар** рўйхати берилган.

Эслатма ! 18 ёшга тўлмаган барча шахслар дастлабки **тиббий кўрикдан** ўтгандан кейингина ишга қабул қилинадилар ва кейинчалик улар 18 ёшга тўлгунларига қадар ҳар йили мажбурий тарзда тиббий кўрикдан ўтказиб турилиши керак. (Меҳнат кодекси 239-модда)

Эслатма ! Иш вақтининг муддати 16-18 ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига **36 соатдан**, 15-16 ёшгача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига **24 соатдан** ошмаслиги зарур. (Меҳнат кодекси 242-модда)



МАЖБУРИЙ МЕХНАТ БЎЙИЧА ҲАЛҚАРО ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ

Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган мажбурий меҳнатга оид қуйидаги халқаро ҳужжатлари мавжуд:



“Мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвенцияси 28.06.1930 йилда қабул қилинган (30.08.1997 йилда ратификация қилинган);



“Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-сонли Конвенцияси 25.06.1957 йилда қабул қилинган (30.08.1997 йилда ратификация қилинган);



“Мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвенциясининг Баённомаси 2014 йилда қабул қилинган (25.06.2019 йилда ратификация қилинган);



“Саноат ва савдодаги меҳнат инспекцияси тўғрисида”ги 81-сонли Конвенция 07.04.1950 йилда қабул қилинган (27.08.2019 йилда ратификация қилинган);



“Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат инспекцияси тўғрисида”ги 129-сонли Конвенция 19.01.1972 йилда қабул қилинган (27.08.2019 йилда ратификация қилинган).




МАЖБУРИЙ МЕХНАТ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси **Конституциясининг** 37-моддаси;



“Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади”



Ўзбекистон Республикаси **Меҳнат кодексининг** 7-моддаси;



“Мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади”



“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги **ЎРҚ-603-сон** Қонуни (22.01.2020 йил);



Ушбу Қонун билан – бир йил давомида маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш ҳамда вояга етмаган шахс меҳнатидан таъқиқланган ишларда фойдаланиш учун жиноий жавобгарлик белгиланди.



Ўзбекистон Республикаси **Президентининг** 29.10.2018 йилдаги “**Мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай кўришини ва барча шакллариغا йўл қўймаслик ҳамда уларга барҳам бериш бўйича давлат ҳокимияти органлари ҳамда барча бўғин раҳбарларининг масъулиятини ошириш тўғрисида**”ги **ПФ-5563-сон** фармони;



Ушбу фармон билан – давлат ҳокимити органлари раҳбарлари олдига мажбурий меҳнатга барҳам бериш ҳамда унга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарликни кучайтириш масала муҳокама қилинди.



Ўзбекистон Республикаси **Президентининг** 30.07.2019 йилдаги “**Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”ги **ПФ-5775-сон** фармони;



Ушбу фармон билан - “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш Миллий комиссияси” ва унинг таркибида “Кичик комиссия” ташкил этилди. 2019 йилнинг 15 октябрь куни кичик комиссия раиси - Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири **Н.Хусанов** раислигида кичик комиссиянинг биринчи йиғилишида ушбу комиссия асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, чора-тадбирлар режаси ҳамда медиа-режа бўйича амалга оширилиши зарур бўлган ишлар муҳокама қилинди.



Ўзбекистон Республикаси **Вазирлар Маҳкамасининг** 10.05.2018 йилдаги “**Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”ги **349-сон** қарори;



Ушбу қарорда - фуқароларни, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, бошқа бюджет ташкилотлари ходимларини, таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларни мажбурий меҳнатга, шунингдек, туман ва шаҳарлар ҳудудларини ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишлари, металл чиқиндилари ва макулатура йиғиш, шунингдек, бошқа турдаги мавсумий ишларга бевосита ёки билвосита жалб қилган мансабдор шахсларга нисбатан қатъий интизомий чоралар қўлланилиши назарда тутилган.



МАЖБУРИЙ МЕХНАТ БЎЙИЧА ТАЪСИР ЧОРАСИ ҚЎЛЛОВЧИ ОРГАНЛАР



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
БАНДЛИК ВА МЕХНАТ
МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ДАВЛАТ МЕХНАТ ИНСПЕКЦИЯСИ

100100, Тошкент ш., Миробод кўчаси, 15 уй.
Тел.: (371) 239-41-21 (нчки 240, 244)

2019 йил “ _____ ” _____

№ _____

ДАВЛАТ МЕХНАТ ИНСПЕКЦИЯСИ

Давлат меҳнат инспекцияси (ДМИ) - Бандлик ва меҳнат муносаблари вазирлиги тизимидаги, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбурий меҳнат ҳолатлари бўйича профилактика ва мониторинг тадбирлари ўтказувчи ҳамда аниқланган ҳолатлар бўйича таъсир чоралари қўлловчи **асосий орган** ҳисобланади.

Давлат меҳнат инспекциясининг **ташкилий тузилмаси:**



Аниқланган мажбурий меҳнат ҳолатлари бўйича Давлат меҳнат инспекцияси томонидан қуйидаги **таъсир чоралари** қўлланилади:



ОГОҲЛАНТИРИШ

Мажбурий меҳнат ҳолатларига **йўл қўймаслик учун ташкилотларга** олдиндан берилади



ЁЗМА КЎРСАТМА

Мажбурий меҳнат ҳолатлари бўйича **йўл қўйилган камчиликларни** бартараф этиш бўйича **ташкilotга** берилади



МАЪМУРИЙ ЖАРИМА

Мажбурий меҳнат ҳолатлари бўйича **ҳуқуқбузар** (фуқаро ва мансабдор шахс) жавобгарликка тортилади



ТАҚДИМНОМА

Мажбурий меҳнат ҳолатлари бўйича **ташкilotнинг юқори турувчисига қонунбузарликни бартараф этиш бўйича** берилади

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI БОШ ПРОКУРАТУРАСИ

Ўзбекистон Республикаси Прокуратура органлари мажбурий меҳнат ҳолатларига барҳам бериш бўйича ўз ваколати доирасида прокурор назорат ҳужжатларини қабул қилади.

Мажбурий меҳнатдан жабрланган фуқароларнинг ҳуқуқларини химоя қилади ҳамда мажбурий меҳнатга йўл қўяётган ташкilotларга таъсир чоралари қўллайди.

МАЖБУРИЙ МЕХНАТ ҲОЛАТЛАРИ БЎЙИЧА МУРОЖААТ ЭТИШ ТАРТИБИ



Ўзбекистон Республикасида доимий ёки вақтинчалик фаолият олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ёки чет эл фуқаролари мажбурий меҳнат ҳолатларига дуч келганларида ёки мажбурий меҳнатнинг жабрланувчиси бўлиб қолганларида **қуйидагилар орқали мурожаат этишлари** мумкин.



- Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг айнан мажбурий меҳнат бўйича очилган **“1176”** ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг **“1092”** қисқа рақамли **ишонч телефонларига**;



- Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг **“71 200 06 00”** рақамли умумий мурожаатлар учун **Call-Centerига**;



- **“www.dmi.mehnat.uz”** вазирликнинг интернет сайти орқали;



- **mehnathuquqbot** вазирликнинг телеграм канали орқали;



- туман бандликка кўмаклашиш марказлари **Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторига**, вилоят Бандлик бош бошқармаси **Давлат меҳнат инспекцияларига** ёки вазирликнинг **Давлат меҳнат инспекциясига**;



- бевосита **ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга** (Прокуратура, Ички ишлар идораларига).

**СИЗНИ ПАХТА ТЕРИМИ ЁКИ
БОШҚА ИШГА МАЖБУРЛАШЯПТИМИ?**

МУРОЖААТ ҚИЛИНГ:

@mehnathuquqbot
dmi.mehnat.uz

1176



MAJBURIY MEHNAT
BU BIROR BIR JAZONI QO'LLASH BILAN TAHDID
QILISH ORQALI ISH BAJARISHGA MAJBURLASHDIR.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси
Ўзбекистон Республикасида доимий ёки вақтинчалик фаолият олиб бораётган фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ёки чет эл фуқаролари мажбурий меҳнат ҳолатларига дуч келганларида ёки мажбурий меҳнатнинг жабрланувчиси бўлиб қолганларида қуйидагилар орқали мурожаат этишлари мумкин.

<p>ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Ўзбекистон Республикасида доимий ёки вақтинчалик фаолият олиб бораётган фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ёки чет эл фуқаролари мажбурий меҳнат ҳолатларига дуч келганларида ёки мажбурий меҳнатнинг жабрланувчиси бўлиб қолганларида қуйидагилар орқали мурожаат этишлари мумкин.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикасида доимий ёки вақтинчалик фаолият олиб бораётган фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ёки чет эл фуқаролари мажбурий меҳнат ҳолатларига дуч келганларида ёки мажбурий меҳнатнинг жабрланувчиси бўлиб қолганларида қуйидагилар орқали мурожаат этишлари мумкин.</p>
<p>Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикасида доимий ёки вақтинчалик фаолият олиб бораётган фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ёки чет эл фуқаролари мажбурий меҳнат ҳолатларига дуч келганларида ёки мажбурий меҳнатнинг жабрланувчиси бўлиб қолганларида қуйидагилар орқали мурожаат этишлари мумкин.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикасида доимий ёки вақтинчалик фаолият олиб бораётган фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ёки чет эл фуқаролари мажбурий меҳнат ҳолатларига дуч келганларида ёки мажбурий меҳнатнинг жабрланувчиси бўлиб қолганларида қуйидагилар орқали мурожаат этишлари мумкин.</p>

dmi.mehnat.uz @mehnathuquqbot

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ ҚУРБОНИНИНГ АМАЛГА ОШИРИШИ ЗАРУР БЎЛГАН ҲАРАКАТЛАРИ



Мажбурий меҳнат – далиллар билан исботланиши мураккаб бўлган ҳуқуқбузарликлардан бири ҳисобланилади. Чунки, жабрланувчи томонидан мажбурий меҳнат ҳолатлари бўйича мурожаат этилишидан олдин керакли ҳаракатлар амалга оширилмаса, суриштирув жараёнида барча далиллар йўқ қилиб юборилиши, гувоҳлар кўрсатмалари ўзгартирилиши мумкин.

Шу сабабли, фуқаро - мажбурий меҳнатнинг қурбони бўлганида ёки ушбу ҳолатларга гувоҳ бўлганида ҳуқуқбузарликка нисбатан кескин таъсир чорасини қўллашда ҳамда уни олдини олишда тегишли органларнинг фаолиятига ўзининг **қуйидаги ҳаракатлари билан ёрдам бериши** мумкин:



Мажбурий меҳнат ҳолатларини билинтирмасдан **фото ва видеоларга олиш;**



Ўзига ўхшаган **жабрланганлар ҳисобини олиш;**



Ҳомиладор, бетоб ҳамда катта ёшдаги жабрланувчиларнинг шахсини аниқлаш;



Меҳнатга **бевосита ва билвосита мажбурлаётган шахсларнинг** шахсини аниқлаш;



Тўпланган ҳужжатлар ёки маълумотлар билан “Мурожаат этиш тартиби” бўлимида белгиланган манбалардан бири орқали **мурожаат қилиш;**



Мурожаати махфий сақланишини истаса, бу ҳақида эслатиш;



Мурожаати аноним бўлишини истаса, шахсини маълум қилмасдан маълумот киритиш;



Ҳудудидаги **инспекторнинг телефон рақамини** олиш;



МАЖБУРИЙ МЕХНАТ БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИК

Мехнатга маъмурий тарзда мажбурлаш Ўзбекистон Республикаси **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг (МЖтК) 51-моддаси** ҳамда **Жиноят кодексининг (ЖК) 148²-моддаси** билан маъмурий ва жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.



**51-
модда
1-қисми**

Мехнатга маъмурий тарзда мажбурлаш БҲМнинг 50 - 100 бараваригача миқдорда жарима



- БҲМнинг 100-150 бараваригача жарима
- 2 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш
- 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари

ТАҚРОРАН
(бир йил давомида)

**148²-
моддаси**

**51-
модда
2-қисми**

Вояга етмаганни меҳнатга мажбурлаш БҲМнинг 70 - 100 бараваригача миқдорда жарима



- БҲМнинг 150-200 бараваригача жарима
- 3 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш
- 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари

1-қисм

2-қисм

Вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғига, хавфсизлиғига ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланиш **МЖтКнинг 49¹-моддаси** ҳамда **ЖКнинг 148¹-моддаси** билан маъмурий ва жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.



МЖтКнинг 49¹-моддаси

- БҲМнинг 10 - 20 бараваригача миқдорда жарима

Вояга етмаган шахс меҳнатидан **тақиқланган ишларда** фойдаланиш



ЖКнинг 148¹-моддаси

- БҲМнинг 25 бараваригача миқдорда жарима
- 3 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш
- 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари

Бир йил давомида **тақоран** содир этилса



(БҲМ - “Базавий ҳисоблаш миқдори”-223 000 сўм)

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликда 2019 йилда мажбурий меҳнатни олдини олиш мақсадида :



- “Сизни пахта терими ёки бошқа ишга мажбурлашяптими?” сарлавҳасида **600 дона баннер** ва **200 000 дона флаер** тайёрланди;




- Бандлик бош бошқармалари томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари ва ҳуқуқ ҳимоячилари иштирокида 14 та вилоятда **пресс-конференциялар** ҳамда **матбуот анжуманлари** ўтказилди.



- 2019 йил 13 сентябрь куни Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда **Республика матбуот анжумани** ўтказилди;



- Вазирлик томонидан “**Мажбурий меҳнатга барҳам бериш тўғрисида**” видео ролик тайёрланиб, республиканинг “**Ўзбекистон 24**”, “**Ёшлар**”, “**Ўзбекистон**” ва “**Маҳалла**” телеканалларида “прайм тайм” вақтларида кунига 20 мартадан кўрсатилди.



Мурожаат учун Давлат меҳнат инспекциясининг ишонч телефонлари

- “71 200 06 00” рақамли Call-Center;
- “www.dmi.mehnat.uz” вазирликнинг интернет сайти;
- “1176” қисқа рақамли ишонч телефони;
- [mehnatuqubot](https://t.me/mehnatuqubot) телеграм канали.

1	Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Давлат меҳнат инспекцияси	+99-861-222-86-56
2	Андижон вилояти Давлат меҳнат инспекцияси	+99-874-223-25-99
3	Бухоро вилояти Давлат меҳнат инспекцияси	+99-865-221-70-32
4	Жиззах вилояти Давлат меҳнат инспекцияси	+99-872-226-91-17
5	Қашқадарё вилояти Давлат меҳнат инспекцияси	+99-875-224-12-48
6	Навоий вилояти Давлат меҳнат инспекцияси	+99-879-224-43-91
7	Наманган вилояти Давлат меҳнат инспекцияси	+99-869-227-97-05
8	Самарқанд вилояти Давлат меҳнат инспекцияси	+99-866-223-04-57
9	Сурхондарё вилояти Давлат меҳнат инспекцияси	+99-876-223-25-53
10	Сирдарё вилояти Давлат меҳнат инспекцияси	+99-878-221-10-01
11	Тошкент вилояти Давлат меҳнат инспекцияси	+99-871-250-32-89
12	Фарғона вилояти Давлат меҳнат инспекцияси	+99-873-244-01-75
13	Хоразм вилояти Давлат меҳнат инспекцияси	+99-862-224-12-32
14	Тошкент шаҳри Давлат меҳнат инспекцияси	+99-871-207-16-00 Ички (226-227)

Мазкур услубий қўлланма “**Мажбурий меҳнатга қарши курашиш**” Кичик комиссияси иш режаси асосида ишлаб чиқилган ҳамда **Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги** томонидан молиялаштирилган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ

